

**ХІХ АСР ОХИРИ- ХХ АСРДА АЁЛ ҲУНАРМАНДЛАРНИНГ ИЖОДИ.  
(КУЛОЛЧИЛИКНИНГ МАЙДА ҲАЙКАЛТАРОШЛИК ЙЎНАЛИШИ  
МИСОЛИДА.)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11562616>

**Нарзуллаева Дилноза Абдуллаевна**

*Ўзбекистон амалий санъат ва  
ҳунармандчилик тарихи давлат музейи  
Амалий санъат ва этнография илмий бўлими  
мудири*

**Аннотация**

Мақолада кулолчиликнинг майда ҳайкалтарошлик йўналишида XIX аср охири-XX асрда фаолият юритган бир нечта аёл ҳунармандларнинг ижоди, уларнинг ўзига хослиги, фарқлари, шакллари, пиширилиши тавсифланган. Мавзунинг долзарблиги шундаки, илгари ҳар бир кулолчилик марказида мавжуд бўлган майда ҳайкалтарошлик-ҳуштаклар ясаш анъаналари йилдан йилга йўқолиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, сақлаб қолинган ҳуштак марказларини ўрганиб, уларнинг ривожланиш тенденциялари, кейинги авлодга етказиб берилаётганлиги таҳлил қилиниб, ҳозирги кундаги марказлар фаолияти кенг ёритилган. Айни дамда фаолият юритаётган аёл ҳунармандларнинг анъаналарни давом эттиришдаги саъй-ҳаракатлари тавсифланган.

**Калит сўзлар**

*учпулак, ҳуштак-ўйинчоқ, майда ҳайкалтарошлик, услуб, бўёқ, Наврўз, кулолчилик, уста ҳунармандлар, кулолчилик марказлари.*

**Аннотация**

В статье описывается творчество нескольких женщин-ремесленниц работавших в направлении мелкой пластики в конце XIX-XX веков, их своеобразие, различия, формы и обжиг. Актуальность темы в том, что традиция изготовления небольших скульптур-свистулек, существовавшая раньше в каждом гончарном центре, с каждым годом исчезает. С этой точки зрения были изучены сохранившиеся центры изготовления свистулек, проанализированы тенденции их развития, передача следующему поколению, широко освещена текущая деятельность центров. Описаны усилия ныне действующих женщин-ремесленниц по продолжению традиции.

**Ключевые слова**

*Учпулак, игрушка-свистулька, мелкая пластика, стиль, краска, Навруз, гончарное дело, мастера-ремесленники, гончарные центры.*

### **Annotation**

*The article describes the work of several women artisans, their uniqueness, differences, forms, and burning, who worked in the direction of small sculpture of pottery at the end of XIX th and XX th centuries. The relevance of the topic is that the tradition of making small sculptures-whistles, which used to exist in every pottery center, is disappearing year by year. From this point of view, the preserved whistle centers were studied, their development trends, their transmission to the next generation were analyzed, and the current activities of the centers were widely covered. The efforts of currently active women artisans to continue the tradition are described.*

### **Key words**

*Uchpulak, whistle-toy, small sculpture, style, colors, Navruz, pottery, master craftsmen, pottery centers.*

Ўзбекистон қадимдан ўзининг амалий санъати ва ҳунармандчилиги билан бутун дунёга маълуму машҳур бўлган. Бунинг исботини халқаро ташкилотларнинг эътирофидан ҳам билиш қийин эмас. Масалан, қатор ҳунармандларимизнинг асарлари ЮНЕСКО ташкилотининг “Сифат белгиси” сертификатига эга бўлган бўлса, бир нечта ҳунармандчилик турлари ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. Ўзбек ҳунармандлари халқаро кўргазма ва фестивалларда мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда.

Ундан ташқари, музейларда сақланаётган анъанавий амалий санъат намуналари ҳам охириги йилларда дунёнинг машҳур музейларида намойиш этиб келинмоқда. Масалан, 2022-2023 йилларда Франциядаги Лувр музейи ва Араб дунёси институтида олти ой давомида намойиш этилган бўлса, 2024 йилда Озарбайжон, Бирлашган Араб Амирлиги, Германия, Италия каби давлатлардаги дунёнинг таниқли музейларида Ўзбекистон музейлари экспонатларининг кўчма кўргазмалари ташкил этилди. Ушбу кўчма кўргазмаларда мамлакатимизнинг энг нуфузли музейларидан Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Ўзбекистон давлат санъат мухейи, Ўзбекистон давлат тарих музейи, Самарқанд давлат музей-кўрикхонаси, Бухоро давлат музей-кўрикхонаси, Ичан-қалъа музей-кўрикхонасининг экспонатлари иштирок этган.

“Дунё микёсида Ўзбекистон-ҳунармандчилик масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган ягона мамлакат” деган ибора жуда ўринли.

Бунга яққол мисол охирги етти йил давомида Президентимиз томонидан хунармандчиликни ривожлантириш чора тадбирлари бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинганлигидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5844 сонли “Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони, 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сонли “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори, 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77 сонли “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2023 йил 23 мартдаги ПҚ-5033 сонли “Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2023 йил ПФ-91 сонли “Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонлари бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

Президент қарорлари орасида алоҳида кулолчиликни ривожлантириш бўйича ҳам ПҚ-5033 сонли қарор қабул қилинган. Ва ушбу қарор бўйича айни дамда бир нечта кулолчилик марказлари қурилиб, асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган уста-шогирд мактаби анъаналарини ривожлантиришга эътибор қаратилган.

Шу нуқтаи назардан, анъанавий кулолчиликнинг бир тармоғи ҳисобланган ҳуштак-ўйинчоқлар муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналиш қадимдан уста-хунармандлар- асосан, аёллар томонидан бажарилган. Аммо ҳозирги кунда ҳуштак-ўйинчоқлар яшаш анъаналарини давом эттириш катта муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки замон зайли билан ёш ўсиб келаётган авлод замонавий гаджетларга боғланиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса ёшларда хунарга нисбатан масъулият, уни давом эттиришдаги саъй-ҳаракатларни анча сустлашишига ва осон маблағ топиш йўлини излашига сабаб бўлмоқда. Тан олиб айтиш керакки, ёшларни моддий рағбатлантириш орқали ҳам хунарга қизиқтириш осон бўлмаяпти. Фақатгина сулола давомчилари ва қизиқувчи ижодкорларгина ўз хоҳиши билан айни дамда анъаналарни давом эттирмоқда.

Шу масалалар бўйича ҳам Президентимиз ўз нутқларида алоҳида тўхталиб, бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Хунармандчилик, оилавий

тадбиркорликка қатор имтиёзлар берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобининг Миллий иқтисодиётни ривожлантириш бобида шундай деган “Аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича марказлар ташкил этилади. Бунда касб-хунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга субсидиялар берилади.”<sup>68</sup> Адолатли ижтимоий сиёсат бобида эса, “Хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур”<sup>69</sup> дейди Президентимиз.

Ҳукуматимиз, шахсан президентимиз томонидан аёлларга қаратилаётган эътибор, қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Айнан хунармандчилик соҳаси мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, статистика маълумотларига қараганда, 2023 йилда “Хунарманд” уюмаси аъзолари сони 25000 нафардан ортиқни ташкил этса, улардан 12000 нафарга яқинини аёл-хунармандлар ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, аёл-хунармандлар ушбу соҳада ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Кулолчилик тўғрисида гап кетар экан, энг аввало унинг тарихига назар солиш жоиз. Инсон тупроқдан яратилиб, бир кун албатта тупроққа қайтади деган ибора бежизга айтилмаган... Бу ҳаёт ҳақиқати. Одамзоднинг бутун ҳаёти давомида унга тупроқ ҳамроҳлик қилади... Масалан, инсон яшаб турган уйининг асоси лой, унинг кундалик турмушда фойдаланадиган уй-рўзғор буюмлари, идиш-товоқлари лойдан-сополдан ясалади. У тановвул қиладиган озиқ-овқатлар лойдан яратилган тандирда пиширилади... Ва шунга ўхшаган кўшлаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Кулолчилик инсоният пайдо бўлгач, илк пайдо бўлган хунар турларидан бири ҳисобланади. Дастлаб, кулолчилик билан аёллар шуғулланишган бўлиб, сопол идишларни қўлда лой ёрдамида ясаб, уни оловда қуритиб кундалик турмушда ишлатишган. Кейинчалик кулолчилик чархи ихтиро этилган. Шундан сўнг энди эркаклар ҳам кулолчилик билан шуғулланиб, чархда сопол идишларни ясай бошлашган. Юртимизга ислом дини кириб келгач, кулолчилик чархида ишлаш учун фақатгина эркакларга рухсат этилган. Аёллар эса, қўлда майда ҳайкалтарошлик намуналари-хуштак-ўйинчоқларни ясашган.

“Учпулак”, “Хуштак”, “Аджуба”, “Аждархо”... Бу каби аталувчи майда ҳайкалтарошлик намуналари ўзбек кулолчилигининг ажралмас қисми

<sup>68</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т., 2021. 143 б.

<sup>69</sup> Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т., 2021. 248 б.

ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, илгари ҳар бир кулолчилик марказида учпулак яшаш анъанаси мавжуд бўлган. Ҳуштаклар асосан аёллар томонидан ясалганлигининг сабаби кулолчилик буюмларини чарҳда яшаш машаққатли меҳнат бўлганлигида. Шу туфайли ҳам аёллар енгилроқ меҳнатга йўналтирилган. Ҳуштак-ўйинчоқларнинг келиб чиқиш тарихи ислом давригача бўлган даврга бориб тақалади. Ҳуштак-ўйинчоқлар 1500 йиллик тарихга эга бўлиб, уларни археологик қазилмалар тасдиқлайди. Ўба ҳуштак-ўйинчоқларининг ҳозирги кундаги шаклига ўхшаш шакллар бундан 1000 йиллар муқаддам ҳам ясалганини археологик қазилмалар исботлайди. Археолог-олимларни ҳайратга солган ушбу қазилмаларнинг майда ҳайкалтарошлик намуналари ҳозирги кунда музейларда сақланади. Дунё музейларидан ўрин олган бундай санъат асарлари намуналари ўзининг тарихи ва тавсифига эга. Бутун жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бир қанча кулолчилик мактаблари ва марказлари мавжуд.

Ўзбекистонда мавжуд кулолчилик марказларининг ҳар бирида машҳур учпулак ясовчи усталар бўлган ва улар ўзининг услуби, нақшлари, шаклларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Вобкент, Гиждувон, Самарқанд, Денов, Риштон, Касби кулолчилик марказлари ҳуштак-ўйинчоқлари юртимиз музейларидан ўрин олган.

Кулолчиликда айнан майда ҳайкалтарошлик йўналишида ижод қилган машҳур уста-ҳунармандлардан бири - Ҳамробиб Раҳимованинг ҳуштаклар мактабини давом этиши ва ривожланишидаги ўрни беқиёсдир. Ҳамробиб Раҳимова 1896-1979 йилларда яшаб ижод қилган. Айнан XIX аср охири-XX аср бошлари майда ҳайкалтарошлик анъаналарининг давом этишини унинг асарларида кузатиш мумкин. Ҳамро Раҳимова 24 ёшида ўз устози Шамси бибидан “фотиҳа” олиб, “усто” даражасига эришади. Бухоро вилоятининг Вобкент тумани Ўба қишлоғига келин бўлиб тушгач, Ҳамробиб ўзининг ижодий фаолиятини давом эттираверган. У умрининг охиригача ўзининг севган касбига содиқ қолиб, 60 йилдан ортиқ ҳуштаклар ясаган.

Ҳамробиб Раҳимованинг ижодида от, туя, фил, кўчкор каби шаклларга ўхшаш хаёлий жонзодларни тез-тез учратиш мумкин. Аксарият ҳуштак-ўйинчоқларнинг бел қисмида кўза, майда ҳайвончалар ясаб ёпиштирилган. Баъзиларида эса, бир ҳуштакнинг икки томонида ҳам бош шакли ясаб ёпиштирилган. Яна бошқа хилларида эса ҳуштакнинг бўйин қисми майда каллачалар билан тўлдирилган. Уларнинг ҳар бири ўз маъносига эга бўлиб, масалан, икки томонидан бош шакли ясалган ҳуштаклар махсус “тўй тухфаси” ҳисобланган. Ҳуштак-ўйинчоқнинг бу

турида ўйинчоқнинг бир томондаги боши келинга, иккинчи томондаги боши куёвга ўхшатиб ясаиб, унинг атрофига бир нечта болачаларининг бошлари ёпиштирилади. Ушбу ўйинчоқларнинг фалсафий маъноси-ёш оиланинг бахтли ва серфарзанд бўлишига ишора бўлган.

Хунармандларнинг устахоналари асосан ўзларининг уйларида жойлашган бўлиб, улар ўзларига қулай бўлган пайтда ишлаш имкониятига эга бўлишган. Бу ўз ўрнида оилада ўсиб келаётган фарзанд тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Хунар сир-асрорларини ёшлиқдан ўрганиб ўсган болада анъаналарга нисбатан ҳурмат, хунарга нисбатан меҳр-муҳаббат, аждодлар меросини асраб-авайлашда масъулият, ўз ватанидан ғурурланиш ҳис-туйғулари шаклланади. Шу нуқтаи назардан уста-хунармандларнинг ўз уйида жойлашган устахонаси ҳар томонлама хунармандчиликни ривожлантиришга замин яратган.

Учпулаклар асосан баҳор байрами-“Наврўз” да ясаиб, улар болалар томонидан чалинган. Бу эса, ёмғир чақирган. Ёмғир “оби раҳмат” яъни, кут-барака ва серҳосиллик рамзи бўлган. Ундан ташқари, хуштаклар ёмон рухларни ҳайдаш, ёмон кўзлардан асраш мақсадида ҳам фойдаланилган.

Хуштак-ўйинчоқлар асосан терракота (яъни, сирланмаган) услубида пиширилган. Майда ҳайкалтарошлик намуналари-хуштакларни ясаш учун дастлаб махсус “ширали” лой тайёрланган. Лой тайёрлаш учун энг соф тупроқ қазиб олиниб, у эланади. Элаб, тозалангач, унга сувда ивигилган гилвата (бентонит) кўшилади. Сўнгра, камишдан олинган пух кўшилиб, яхшилаб оёқда ишлов берилади (тепилади). Сўнгра лой бир неча кунга тиндирилади. Лой тиндирилгач, яна 4-5 марта қайта ишлов бериб, пишитилади. Шундагина тиндириб, ишлов берилган лойдан шакллар ясаш мумкин бўлади. Уста-кулол хаёлий ўйинчоқларнинг шакллари ясаб олгач, уни 1-2 кун қуритади, кейинги жараёнда уста махсус қум қоғозда текислайди. Текисланган хуштакнинг сирти нам шимгич (губка) ёрдамида текисланади. Кейинги жараёнда махсус бўёқлар ёрдамида турли хил нақшлар чизилади.

Ўба кулолчилигида нақшлар оддий бўлиб, кўк ва қизил ранглар билан чизиқлар ва нуқталар ёрдамида нақшланади. Самарқанд майда ҳайкалтарошлигида эса, шакллар ясашда асосан қизил лойдан фойдаланилади ва бир неча хил бўёқларда бўялади. Сурхондарёнинг Денов кулолчилигида ҳам майда ҳайкалтарошлик ўзига хос бўлиб, уларнинг асоси (фони) қизил, яшил, оқ, сариқ, қора бўёқлар билан қопланиб, турли рангларда нуқталар ва шакллар ёрдамида нақшланади. Ғиждувон майда ҳайкалтарошлиги эса, юқоридаги кулолчилик марказларидан фарқ қилади.

Бу мактабнинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда хуштак-ўйинчоқлар икки мартаба пиширилади. Биринчи марта пиширилиши қизил, оқ, қора гиллар ёрдамида фон берилгач бўлса, иккинчи марта саккиз хил бўёқларда нақшланиб, сирлангач пиширилади. Ушбу кулолчилик марказида кулоллар сулоласининг олтинчи авлод вакили Нарзуллаева Нодира ва еттинчи авлод вакиллари давом эттириб келишмоқда.

Ҳар бир кулолчилик маркази ўз услуби, техникаси ва нақшларига эгаллиги анъаналарнинг хилма хиллиги ва давом этишидан далолат беради. Самарқанд майда ҳайкалтарошлиги Абдурахим Мухторов ва Умар Жўракулов каби эркак хунармандлар томонидан бажарилган бўлса-да, айтилган дамба Абдурахим Мухторовнинг келини Дилором Мухторова ва невараси Хушвакт Мухторовлар томонидан давом эттириб келинмоқда. Самарқанд майда ҳайкалтарошлигининг ўзига хослиги шундаки, бунда аҳолининг турмуш тарзи, оилавий ҳаёти, миллий спорт турлари, анъана ва урф-одатлар акс этган. Ўзбекистоннинг кўплаб музейларидан ўрин олган Самарқанд майда ҳайкалтарошлигида инсонийлик, урф-одат ва анъаналарга чексиз ҳурмат, қадриятларнинг кундалик турмушдаги аҳамияти очиқ берилган.

Сурхондарёнинг Денов кулолчилигидаги майда ҳайкалтарошлик йўналишида ҳам асосан, ҳаёлий ҳайвонлар шакли ясалган бўлиб, XX аср бошларида Расул Зухуров ижод қилган. Устанинг фарзанд ва неваралари унинг ишини давом эттириб, ҳозирги кунга қадар ясаб келишмоқда.

Риштон майда ҳайкалтарошлигида Ғиждувон каби сирлаш услубидан фойдаланилади. Бунда асосан, хуштак-ўйинчоқнинг асоси оқ ангобда бўялиб, кўк ва яшил рангларда нақшланади. Ушбу кулолчилик марказида Юсупов ва Назировлар оиласи хуштак ясаш анъаналарини давом эттиришмоқда.

XX аср бошларида Ҳамробибининг шогирди Кубаро Бобоева ҳам Ўба майда ҳайкалтарошлигини давом эттирган кулолчилик намоёндаларидан бири ҳисобланади. Кубаро Бобоева 1938-2023 йилларда яшаб ижод қилган. Унинг хуштаклари ўзига хос бўлиб, у умрининг 35 йилини хуштаклар ясашга бағишлаган. Фарзандлари ва неваларига ўз хунарини ўргатиб, шу хунар орқасидан оиласини ҳам тебратган. Кубаро Бобоева ижодида кўпроқ ҳаёлий ҳайвон ва қуш шакллари учрайди. Уста ўзининг хуштакларида чавандозни ҳам тез-тез қўллаган.

Яна бир майда ҳайкалтарошлик маркази бу-Касби қишлоғи бўлган. Бу марказда XX асрда ижод қилган усталардан Анбар Сатторова ҳисобланади. Жаҳон ва Ўзбекистон музейлари тўпламларида унинг асарларидан намуналарни учратиш мумкин. Анбар Сатторова ўзининг хуштакларини

ўзгача шаклда ясаган. Хуштакнинг тўрттала оёғига алоҳида ғилдираклар ўрнатилган. Уларнинг кўриниши ҳам бошқа ҳудуд хуштакларига ўхшамаган, тубдан фарқ қилувчи шаклга эга бўлган. Хуштак-ўйинчоқлар терракота услубида пиширилиб яшил, кизил ва кўк бўёқларда нақшланган.

Хуштак-ўйинчоқлар нафақат ёмғир чақирувчи- “ҳосилдорлик” рамзи, балки ёмон кўзлардан асровчи тумор вазифасини ҳам бажарган. Шунинг учун бу каби ўйинчоқлар йирикроқ ҳажмда ясалган. Катта ҳажмдаги хуштак-ўйинчоқлар “дев” ёки “аждарҳо” деб ҳам аталиб, уларнинг кўриниши кўрқинчлироқ бўлган. Бу эса уларнинг вазифасидан келиб чиққан бўлиб, ёвуз кучларни кўрқитиш, ҳайдаш учун қўлланилган.

Бу каби чуқур маъноларга эга бўлган майда хайкалтарошлик намуналари Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир ҳудудида мавжуд бўлиб, шакли, услуби, ранглари, нақшлари ва кўриниши билан тубдан фарқ қилган. Эрон афсоналарида айтилишича, илонлар юз йил яшагач аждарҳога айланар экан. Аждарҳоларнинг кўриниши бир нечта жонзодлар: от, ит, фил, кўй каби ҳайвонлар кўринишлари мужассамлаштиради.

Ундан ташқари, хуштак-ўйинчоқлар болалар учун нафас гимнастикаси сифатида ҳам қўлланилган. Болалар хуштакларни чуқур нафас олиб, бор кучи билан чиқариб чалишган ва бу орқали ўпка кенгайиб, кислородга тўйинган. Бунинг натижасида эса, илгари болаларда шамоллаш, ўпка касалликлари камдан кам учраган. Бундан кўриниб турибдики, хуштак-ўйинчоқлар нафақат безак, ўйинчоқ ёки санъат асари бўлган, балки тиббиётда ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Бундан кўриниб турибдики, ота-боболаримиз азалдан бир буюмни ҳар томонлама фойдали қилиб яратганлар. Табиий йўл билан барча касалликларни олдини олиш ва даволаш чораларини кўришган. Доно халқимиз бекорга “аллоҳ яратган табиатда барча дардга даво бўлувчи ўсимликлар мавжуд” демаган. Оддий қора седана минг дардга даво дейилади. Худди шу каби оддий бир хуштак ҳам юқори нафас йиллари, бронх ва ўпка касалликларининг давоси ҳисобланар экан.

Хуштак-ўйинчоқларни яратган, юқорида исм-шарифлари санаб ўтилган барча уста-хунармандларнинг асарлари нафақат юртимиз музейларида, балки жаҳон музейлари экспозиция ва захираоналаридан ҳам ўрин олган. Масалан, Россиядаги Бутунроссия амалий безак ва халқ санъати музейида Ҳамро Раҳимова, Кубаро Бобоевнинг асарлари, Чехиядаги Напрстек номидаги музейда Ҳамро Раҳимованинг, Польшадаги Осиё ва Тинч океани музейида Ҳамро Раҳимова, Саганова ва Очиловаларнинг асарлари сақланиб келмоқда.



Ўзбек аёллари шундай, умри давомида ўз қишлоқларидан ташқарига чиқмай туриб ҳам дунёга машхур. Ҳунар шундай неъматки, у инсонни камтарона меҳнатлари, хизматлари учун кўкларга кўтаради. Худди шундай мисолларни юқорида келтирдик.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, майда хайкалтарошлик анъаналарини давом этиши бу-нафакат уста-ҳунармандларнинг ютуғи, балки мамлакатнинг, халқнинг ютуғи ҳамдир. Номоддий маданий мерос ҳисобланган бу каби анъанавий амалий санъат намуналарининг ажодлардан авлодларга бус-бутунлигича етиб келиши, давом эттирилиши ва бутун дунёга тарғиб қилиниши орқали юртимиз бебаҳо меросини асраб-авайлаш қаторида, Ўзбекистоннинг донғини таратишда ҳам беминнат хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
3. Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъати, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, II том, Давлат илмий нашриёти, Тошкент-2016.
4. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Ташкент: 1991.
5. Фахретдинова Д. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент: 1972.
6. Ҳакимов А. Ўзбекистон санъати тарихи. Қадимги давр, ўрта асрлар, ҳозирги замон. – Т.: Зилол булоқ, 2022.
7. Акилова К. Народное декоративно – прикладное искусство Узбекистана. XX век. Алматы: PRINT – S, 2005.
8. Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми: Ўзбекистон кулолчилик буюмлари жаҳон тўпламларида китоб-албоми. /Ф.Абдухоликов, Е.Ртвеладзе, Н.Ахенбах, Г.Хелмеке, Ш.Себайе, М.Гибсон, Е.Ермакова, Т.Емельяненко, Д.Тарлыгина, Е.Ворушилина, С.Елкина, Т.Гейзларова, – Т.: “Ўзбекистан Тудай” АА, “Даракчи информ сервис” МСХЖ буюртмасига кўра, 2022. – 408 б.
9. Интернет ресурсларидан олинган маълумотлар: <httpsiqmena.livejournal.com327167.html>, <httpsktaara.livejournal.com467736.html>,

<httpsmrs-mcwinkie.livejournal.com321011.html>,  
<httpspodrobno.uzcatpodrobnov-uzbekistane-vossozdayut-remeslo-izgotovleniya-unikalnykh-kukol->